

БАДИИЯТ ВА ТАРИХИЙЛИК УЙЁУНЛИГИ

Зебунисо Мустафокуловна АМИРКУЛОВА

доцент

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақола ўзбек ёзувчиси Шойим Бўтаевнинг тарихий мавзуда ёзилган "Ҳисомиддин ал-Ёғий" ҳикоясига бағишланган. Ушбу ҳикояда турли тарихий воқеалар фонида Ҳисомиддин ал-Ёғий каби буюк шайх образининг ажойиб хусусиятларига урғу берилади. Шунингдек, унда ўша даврнинг одил, буюк шоҳи Аловуддин Тармашириннинг феъл-атвори ҳам очиқ берилган.

Таянч сўзлар: тарихий воқеа, шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий, масжид, шоҳ Алоуддин Тармаширин, сайёҳ Ибн Батутта, мусулмон.

ГАРМОНИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОСТИ И ИСТОРИЗМА

Зебунисо Мустафокуловна АМИРКУЛОВА

доцент

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Термезский университет экономики и сервиса

Термез, Узбекистан

Аннотация

Рассказ узбекского писателя Шоима Бутаева «Хисомиддин аль-Яги» написан на историческую тему. В этой истории подчеркиваются великие черты образа великого шейха Хисомиддина аль-Яги в свете различных исторических событий. В статье также раскрывается характер великого шаха того времени Аловуддина Тармаширина.

Ключевые слова: исторический рассказ, шейх Хисомиддин аль-Яги, мечеть, шах Алауддин Тармаширин, турист Ибн Батутта, мусульманин.

Ўзбек адабиётида тарихий шахслар мавзусида асарлар яратиш муҳим анъана сифатида яшаб келади. Қолаверса, бу мавзу жаҳон адабиёти таниқли ижодкорларининг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келади [2;204]

Азал-азалдан маълум: миллатнинг дарди башариятнинг дарди, аъмоли, қолаверса, фахри, ифтихори даражасига кўтарилсагина, бир миллат ёзувчисини қийнаган, қалбини ўртаган дард, муаммолар ёки кишида фахр ифтихор туйғусини жунбушга келтирган омиллар ўзга эл-юрт одамлари китобхонлари қалбини ҳам тугўнга солса, ўй-мушоҳадаларга тўлдирса ёки

кувонтирса, у чинакам санъат намунаси бўла олади. Бахтимизга, ана шундай асарлар, хусусан, ҳикоялар яратилипти [3;47].

Бадиий адабиётнинг бош хусусияти — унинг ижтимоий онг шаклларида бири эканлигидир. Адабиёт сўз воситаси билан образ яратганлиги сабабли санъатнинг бошқа турларига нисбатан ҳаётни ва инсонни мумкин қадар тўлароқ ифодалаш имконига эга. Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон “Адабиёт надир?” номли мақолада адабиётнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб шундай деб ёзган: “Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб тургон вужудимизга, танзимизга сув-наво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун нам зарур бўлса, шу қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиёти ўлмағон ва адабиётининг тараққийсига қилишмаган ва адиблар етиштирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур [4;42].

Юқорида келтирилган фикрлар асосида шуни аниқлашимиз керакки, адабиёти бор миллат ўлмайди, адабиёти бор халқ мангу яшайди.

Ҳикоялар мавзу жиҳатидан ҳилма-хил бўлиб, тарихий ҳикоялар бошқа мавзудаги шу тур асарлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, тарихий ҳикояларда тарихда бўлган бирор-бир воқеа-ҳодиса қаламга олинади. Ёзувчи мана шу тарихий воқеа асосида бадиий асар яратади. Муаллиф тарихий воқеани баён қилар экан, бунга уйғун равишда бадиий тўқималардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади [1;3].

Айнан, мана шу бадиий тасвир тарихий асарларни тарихий воқеалар баёнидан ажратиб туради. Масалан, Шойим Бўтаевнинг “Ҳисомиддин ал-Ёғий” ҳикоясини оладиган бўлсак, бу асар тарихий мавзудаги ҳикоядир. Ҳикояда Мовароуннаҳрнинг одил подшоси Алоуддин Тармаширин ва шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий асосий образлардир. Бу икки образ тарихий образ ҳисобланади. Шунингдек, ҳикояда яна бир образ бор. Бу образ асар охиригача сайёҳ деб аталади ва бир қарашда унинг ҳикоя сюжетидаги ўрни унчалик сезилмайди. Бироқ ҳикоя охирида бу образ асарнинг асосий

образларидан бири эканига гувоҳ бўламиз. Ибн Баттута образи ҳам тарихий образ бўлиб, асар шу инсон гувоҳ бўлган воқеа асосида ҳикоя қилинади.

Буюк араб сайёҳи тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лаватий ат-Танжий бўлган Ибн Баттута (1304–1372) ҳаётининг 28 йилини сафарга бағишлайди. У Шимолий ва Ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Туркия, Эрон, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Шарқий Европа, Испания, Афғонистон, Хитой каби шаҳарларда бўлади. Ва кўрган воқеа-ходисаларини, саёҳат таассуротларини батафсил ёзиб қолдиради. Ибн Баттута 1325 йилда Макка сафари чоғида Саҳройи Кабирни пиёда босиб ўтади ва қийинчиликларга қарамай сафарини давом эттиради. И.Крачковский (Қуръони Каримни рус тилига таржима қилган рус арабшунос олими) Ибн Баттута ҳақида: “Машҳур Ибн Баттута барча мусулмон мамлакатларини айланиб чиққан охирги буюк сайёҳ ва универсал географ-амалиётчи эди”, деб ёзади. Сайёҳ томонидан ёзиб қолдирилган манбаларда Олтин Ўрда ва Марказий Осиё ҳақида жуда қимматли маълумотлар келтирилган. Таниқли немис географи Р.Хенинг эса Ибн Баттутани “қадимги дунё ва ўрта асрлар билган сайёҳларнинг энг буюғи”, дея эътироф этади. 1333 йил Ибн Баттута Марказий Осиёга келади. Бу даврда Термиз Чигатой улуси тасарруфида эди. Мамлакатни мўғул хонларидан бўлган Алоуддин Тармаширин бошқарар эди. Алоуддин Тармаширин 1326–1334 йилларда ҳукмронлик қилган ниҳоятда қудратли ва адолатли шоҳ сифатида донг таратган бўлиб, мўғул хонлари орасида биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қилган эди. Ибн Баттута Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарларида бўлиб, Султон Тармаширин қароргоҳида меҳмон бўлади. Марказий Осиёга сафари чоғида сайёҳ шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий билан танишади ва унинг ҳурматини қозонади. Ёзувчи ҳикояда мана шу тарихий ҳақиқатни бадиий жиҳатдан моҳирона тасвирлайди. Тарихдан маълумки, Ибн Баттутанинг отаси фикҳшунос олим бўлган. Унинг ўзи ҳам мадрасаларда фикҳ илмидан сабоқ берган. Ҳатто ал-Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” асарини тўлиқ ўқиб, шу асосда маърузалар қилган. Ҳикояда эса мана шу тарихий маълумот қуйидагича

тасвирланади: “Аввал Шайх Ҳасан ва Ҳисомиддин ал-Ёғий билан танишди. Сайёҳ уларга отасининг ҳам фикҳшунос бўлганлигини, ўзининг кўплаб мусулмон алломаларининг ваъзаларини тинглаганлигини, ҳадисларни ёд олганлигини айтиб, баъзи масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргач, лаҳза ичида дунёни бир неча марта кезиб чиқа олгулик кароматга эга иккала шайх марокашлик сайёҳ ҳам оламни фақат оёқ билан айланиб юрмаганини зоҳиран бўлмаса-да, ичдан тан олишди”.

Ибн Баттута ҳаёти ҳақида тарихдан ўқиган ўқувчи ушбу жумлаларда тарихий ҳақиқат мужассам эканини инкор этолмайди. Ҳикояда сайёҳ кўпни кўрган, қизиқувчан, кўрганларидан тўғри хулоса чиқара оладиган, билимли ва кенг тафаккур эгаси бўлган шахс сифатида тасвирланади. Чунки у саёҳати давомида тинимсиз ўрганди, қадами етган юртларнинг маданияти, тили, урф-одати билан танишди. Инсонлар тақдирини кўриб хулоса қилди, ўқиганлари билан таққослади. Илм олишдан, ўрганишдан бир зум тўхтамади. “Эшикка яқин ўтирган, кўринишидан-да, кийинишидан-да бу ерликка ўхшамаган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги ўрта бўй, катта-катта кўзларидан муғомбирликка қоришиқ ақл порлаб турган киши қалингина пўстин кийганига қарамай, ўзини совуқдан четга олаётгандек беихтиёр силжиб қўйди. Бу одам юртма-юрт, сарҳадма-сарҳад кезиб юрган марокашлик сайёҳ эди”.

Ўн йилдан кўп вақт давомида саёҳат қилган ва саёҳати давомида “Олиму девона, бой-у фақир, доно-ю нодон, камтар-у муттаҳам, пасткаш-у олижаноб, хасис-у сахий зотларнинг бетиним оқимидан мисли уммондек тўлқинланиб ётган шаҳарлардан тортиб таҳқирланган одамлари жоҳилликка, ёлғон даъволарга, мункирликка юз тутганликларидан ерпарчин қилинган элларгача у кўрди” [5;56].

Сайёҳ ҳаёти давомида инсонни улуғликка етакловчи, юксалтирувчи “одамзодни ҳашаротдан инсонликка кўтарувчи биргина нарсани” қидирди. Кўрганидан ҳайратланди, яна янги жойларни кўришга ошиқди ва ниҳоят излаган нарсасини шу ерда топди. Инсон қудрати нимада?! Инсонни

комилликка етакловчи сайёҳга номаълум бўлган қудрат нима?! Одамзодни ҳашаротдан фарқловчи нарса нима?!

Бу саволларга масжид имоми Ҳисомиддин ал-Ёғий ваъзларини тинглаб жавоб олар ва ҳар гал бу ваъзларни эшитиш учун қайта-қайта масжидга ташриф буюрар эди”.

Ҳикоя сюжетида шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий образи асосий ўринда туради. Сайёҳ ва султон образлари эса бир-бирини инкор этмаган ҳолда шайх образи билан туташади. Ҳисомиддин ал-Ёғий султондан-да қудратли, кучли. Унинг кучи нимада эди?! Унинг кучи мустаҳкам эътиқодида ва иймонида. Ҳикояда шайх кучли эътиқод, мустаҳкам иймон эгаси сифатида тасвирланган. Унинг моддий бойлик билан иши йўқ, маънавий бойлик шайх учун ҳар нарсадан устун. У Аллоҳ олдида ҳамма тенг деб ҳисоблайди. Бой-у камбағални ажратмайди. Эғнида эски чопон бўлса-да, султоннинг марҳаматини қабул қилмайди. Чунки Аллоҳ марҳамати олдида бандасининг марҳамати ҳеч нарса эмас. У Султон қаҳридан-да қўрқмайди, чунки Аллоҳ қаҳрининг олдида бандасининг қаҳри арзимас нарсадир. Айнан, сайёҳни лол қолдирган ва инсонни ҳашаротдан-да устун қилган сифат шу эди. Иймон.

Ҳикояда шайх характери унинг нутқи орқали тўла очиб берилади. Қуйидаги парчага эътибор қаратамиз: “Чопар жума номозига кечикаётган Султоннинг хабарини етказиш учун масжидга келади:

Ахийри чопар сукунатни бузишга журъат етди:

— Сизга хабар келтирдим!

Шайхнинг ўктам товуши масжид гумбазларида акс-садо берди:

— Не хабар экан?

— Сизнинг ўзингизга айтиш буюрилган.

Намозхонлар талмовсиранишди.

Шайхнинг қонсиз лабларида истехзоли табассум ўйнади. У озғин қўлларини олдинга чўзиб, қулоғини очди, намозхонларни бағрига босмоқчи бўлгандек бир ҳаракат-ла:

— Буларнинг бари-да менинг ўзим! — деди.

Ўтирганлар енгил хўрсинишди”.

“Буларнинг бари-да менинг ўзим!” шу биргина жумлада шайхнинг бутун фазилати ва табиати очиб берилган. Бу жумла орқали шайх эътиқоди билан боғлиқ икки жиҳатни кўриш мумкин. Биринчиси, Аллоҳ олдида мен ҳам, халойиқ ҳам бир. Ҳаммамиз Аллоҳнинг бандасимиз. Иккинчиси, одамлардан яширилган сирни барибир Аллоҳдан яшира олмаймиз. У ҳамма нарсани кўргувчидир. Мана шу икки эътиқод шайх иймонининг асосидир.

“Сайёҳ завқланганидан бош чайқаб қўйди. Чопар нима қиларини билмади. Шайх буйруқ оҳангида:

— Айтаверинг! — дегач, чопар ғоз туриб, қоғоздан ўкиб бераётгандек эълон қилди:

— Соҳибқирони аъзам, улуғ ҳоқонимиз Султон Алоуддин Тармаширин ҳазрати олийлари бугунги намози жумага муҳим давлат ишлари билан ушланиб қолганликлари туфайли бир оз кечикиб келишларини эълон қиладилар!

Оломон қалқди!

Бу ҳеч кўрилмаган ҳодиса эди!”

Шайх гўёки оғир аҳволда, икки ўт орасида қолди. Нима қилиш керак?! Намозни бошлай деса, султоннинг қаҳри, бошламай деса, халойиқ ҳурмати.

“Намозни бошлаш вақти етганди.

Имомликка ўтган Ҳисомиддин ал-Ёғий ноқулай аҳволда қолди, — ўйларди сайёҳ. — Ҳозир Султонни кутса, намоз вақти бўлди, намозхонлар ундан ўпкалашади, кутмаса, Султон ғазаби...»

Чопар остонада шайхдан жавоб кутаётгандек қимир этмай турарди. Шайх бошини кўтарди.

— Соҳибқирони аъзам, улуғ ҳоқонимиз султон Алоуддин Тармаширин ҳазрати олийларига чопар жаноблари етказсинларки, — дея хирқироқ товушда, тантанали равишда эълон қилди шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий. — Вақт шундай ҳакамдирки, унинг қаршисида шоҳ-у гадо баробардир. Биз учун энг улуғи Аллоҳимиз буюрганидир!”. Шайх имомликка ўтди.

Бу сўзлар Ҳисомиддин ал-Ёғий образининг барча характер кирраларини тўлиқ очиб беради. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Бадий асарларда зиддиятли, муаммоли вазиятлар асарнинг кизиқарлилигини таъминлайди ва ўқувчининг диққатини жалб этади. Ҳикояда ҳам бир неча ўринда бундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Бу билан муаллиф ҳикоя таъсирчанлигини оширишга эришади.

Ҳикояда ёзувчи ҳар бир детал орқали образлар характерини очиб беришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонлар кийимлари, теварак-атроф тасвири, персонажлар нутқи, барча-барчаси асар таъсирчанлигини ошириш билан бир қаторда ёзувчи асардан кўзлаган ғоянинг очиб берилишини таъминлайди. Қуйидаги парчада ҳам буни яққол кўриш мумкин:

Жума намозига кечикиб келган Султон Алоуддин Тармаширин ўз жойи меҳроб олдига йўл топлмай эшик олдига оҳиста ўтиради:

“Султон Алоуддин Тармаширин вазиятни пайқаб, беихтиёр эшикни оҳиста ёпди.

Ўзининг гиламчаси устига чўккалади.

Гиламчанинг у ёқ-бу ёғини тўғрилади.

Масжиднинг умумий руҳи уни ўзига сингдирди.

Буюклиги абас топди.

Хоқонлиги унут бўлди”.

Беихтиёр масжиддаги ҳолат уни ўзига тортади:

“Шайхнинг ўктам овози ҳаммани якдилликка чақирарди:

— Аллоҳу акбар!

Султоннинг кўзларидан беихтиёр ёш тирқиради”.

Юқоридаги парчада Султоннинг характер хусусияти тўла очиб берилган. Унинг қалби уйғоқ. У одил ва адолатли Султон. У юксак маънавияти сабаб султон мақомига лойиқ. Доимо оддий халқ билан бўлган, дардини тинглаган ва ҳатто улар билан бир қаторда туриб намоз ўқишдан “андиша қилмаган” Тармаширин энг юксак инсоний фазилатга эга.

Муаллиф ушбу икки ҳолатни шундай моҳирлик билан тасвирлайдики, Алоуддин Тармаширин образи ўқувчи кўз ўнгида бор хусусияти билан тўла номоён бўлади.

“Ҳисомиддин ал-Ёғий” ҳикоясини ўқиш давомида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, муаллиф ҳар бир ҳолатни моҳирона тасвирлайди, ифодалайди. Табиат, масжид, султон ўрдаси тасвири ҳикояда гўзал ифодаланган.

Ушбу ҳикояда адолат, иймон-этикод, ҳалоллик ва поклик каби туйғулар улуғланади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, тарихий факт асосида бадиият ва тарихият уйғунлиги асосида тарихий асарни моҳирона услубда, жонлантира олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Носиров А. Истиқлол даври адабий жараёни ва адабий танқидчилик. – Самарқанд, 2014.
2. Худайбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
3. Норматов У. Бугунги ҳикоячилигимизда қаҳрамонлик анъанаси. Ўзбек адабиётшунолигида таҳлил ва талқин муаммолари. – Карши, 2016.
4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, 2002.
5. Маҳмудов Н., Худайберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2014.
5. Отаев Р. Ҳадди Искандарий //Шарқ юлдузи, 2012. – №11. – Б.56.